

ISSN: 2181-4058

DOI Journal 10.56017/2181-4058

# JORAI

Journal of


## RESEARCH

and

## INNOVATIONS

ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР | ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ

*Volume I, Issue 7*



IMFAKTOR  
PAGES

JULY | 2023

ISSN: 2181-4058  
DOI Journal 10.56017/2181-4058

# ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 7-СОН

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ  
ТОМ-I, НОМЕР-7

JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS  
VOLUME-I, ISSUE-7

ТОШКЕНТ - 2023

# ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ | JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS

№ 7 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4058-2023-7>

## Бош муҳаррир:

Салимов А. – архитектура фанлари доктори, профессор

## Масъул муҳаррир:

Кадиров К. – филология фанлари номзоди, доцент

## Таҳририят аъзолари:

Омонов Қ. – филология фанлари доктори, профессор  
Муҳибова У. – филология фанлари доктори, профессор  
Каримов Б. – филология фанлари доктори, профессор  
Рашидов Т. – санъатшунослик фанлари номзоди, доцент  
Мухамедова Ф. – санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори  
Тешабоев Ж. – санъатшунослик фанлари доктори, профессор  
Эгамбердиев И. – техника фанлари доктори, профессор  
Ташманов Е. – техника фанлари доктори, профессор  
Салихова О. – техника фанлари номзоди, доценти  
Закиров Х. – қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, профессор  
Гулмуродов Р. – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор  
Жумамуратов А. – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор  
Камолов Б. – география фанлари доктори, профессор  
Миракмалов М. – география фанлари номзоди, доцент  
Тожиева З. – география фанлари номзоди, доцент  
Юсупова М. – архитектура фанлари доктори, профессор  
Аскарров Ш. – архитектура фанлари доктори, профессор  
Назарова Д. – архитектура фанлари бўйича фалсафа доктори

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 22 декабрь куни № 054912-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ | JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS

*Филология фанлари*

**ЭЛОВА Умида Рўзимуродовна**

*Жиззах политехника институти*

*“Транспорт” факултети, “Хорижий тиллар” кафедраси*

*доцент вазифасини бажарувчи*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8146466>

## ШЕЪРИЙ ТАРЖИМАНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

### АННОТАЦИЯ

Таржимани матн жиҳатидан турлари орасида бадий таржима энг мураккаб таржима ҳисобланса, бадий таржиманинг ўзида эса поэтик (шеърий) таржима ўзига хос мураккабликка эга. Бу жараёнда таржимон нафақат тилшунослик ва таржимашунослик борасида катта билим ва кўникмаларга, балки шеърият, унинг тузилиши ва ўзига хос хусусиятлари борасида ҳам етарли малакага эга бўлиши талаб этилади.

**Калит сўзлар:** бадий таржима, нобадий таржима, шеърий таржима, қофия, ритм, шакл, мисра, коннотатив маъно, тасвирий восита.

**ЭЛОВА Умида Рўзимуродовна**

*Джиззакский политехнический институт*

*факультет “Транспорт”, кафедра “Иностранные языки”*

*исполняющий обязанности доцента*

## ОСОБЕННОСТИ ПОЭТИЧЕСКОГО ПЕРЕВОДА

### АННОТАЦИЯ

Художественный перевод считается наиболее сложным переводом среди видов перевода с точки зрения текста, а поэтический (поэтический) перевод имеет свою сложность в самом художественном переводе. При этом переводчик должен обладать не только большими знаниями и навыками в области языкознания и переводов, но и достаточным владением поэзией, ее структурой и особенностями.

**Ключевые слова:** художественный перевод, нехудожественный перевод, поэтический перевод, рифма, ритм, форма, стих, коннотативное значение, образные средства.

**ELOVA Umida Rozimurodovna**  
*Jizzakh Polytechnic Institute*  
*Faculty of "Transport", Department of "foreign languages"*  
*acting associate professor*

## DISTINCTIVE FEATURES OF POETIC TRANSLATION

### ANNOTATION

Literary translation is considered the most complex among the types of translation in terms of text, while poetic (poetic) translation has its own complexity. In this process, the translator must have not only great knowledge and skills in linguistics and translation studies, but also sufficient skills in poetry, its structure and specific features.

**Key words:** literary translation, non-literary translation, poetic translation, rhyme, rhythm, form, verse, connotative meaning, figurative means.

Шеърларни таржима қилиш таржиманинг энг мураккаб турларидан бири ҳисобланади. Шеърят таржимаси таржима жараёнида кўплаб қийинчиликларга дуч келади. Бу борада Томас Манн қуйидаги фикрларни билдириб ўтган: “Шеърый таржиманинг асосий муаммоларидан бири –шеърятни таржима қилиш мумкинми ёки мумкин эмаслиги масаласидир. Шундай қилиб, аввал қуйидаги саволни беришдан бошлаган маъқул: шеърятнинг таржимаси мумкинми? Ёки бунинг иложи йўқми?

Булар шубҳасиз, риторик савол, чунки таржима қилинган матнлар мавжуд бўлиб, улар эскириб, кутубхоналар жавонларини тўлдириб турса ҳам, инсонлар шеърый матнларни таржима қилишдан тўхтамайдилар [1].

Дунёнинг исталган минтақасида истиқомат қилувчи миллат қонида шеърый мисралар яратиш қобилияти бор экан, инсонлар турли мавзуларда шеърлар ёки бошқа турдаги поэтик асарларни ёзишдан тўхтамайди. Шу ўринда таржиманинг матн жиҳатидан икки асосий кенг категорияга бўлинишини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

У. Йўлдошев поэтик таржиманинг қийинчиликкари борасида: “Шеърят таржимасининг мураккаблигини эътироф этган таржимонлар эндиликда насрий асарларни таржима қилишда ҳам жуда кўп муаммоларга дуч келиш мумкинлигини таъкидлашмоқда. Бу муаммолар сирасига аслият ва таржима тиллари ва матнининг лингвистик ва экстралингвистик хусусиятларини киритиш мумкин” [2] - деган фикрни таъкидлаб ўтган. Демак, поэтик таржиманинг мураккаблиги ҳар доим ҳам ўз долзарблигини йўқотмайди.

Демак, таржима икки катта категорияга бадий таржима ва нобадий таржимага бўлинади. Нобадий таржима ўз навбатида техник, илмий, қонун ҳужжатлари, молия ва бошқа соҳага оид матнлар таржимасини ўз ичига олади. Бу жараёнда таржимон бир воситачи ролини бажаради, чунки таржиманинг бу турида инсон ўз онгидаги таржима қобилиятидан фойдаланмайди.

Бу жараёнда таржимон маданий кодлар, коннотатив маънолар, тасвирий воситалар каби жиҳатларга дуч келмайди. Бу аслиятдаги сўзларни таржима матни сўзларига алмаштириб қўйиш жараёнини ўз ичига олади. Аммо бадий таржима аслият матн ёзувчисининг ғоясини таржима орқали юзага чиқаради. Шунинг учун таржимон бу жараёнда ўзининг онг билан боғлиқ меҳнат жараёнини акс эттиради.

Бу аслият матнидаги сўзларни таржима матнидаги сўзлар билан аламаштириб қўйиш эмас, балки аслиятнинг эстетик завқини, ёзувчининг фикри ва ғоясини қайта яратиш билан боғлиқ жараённи амалга оширишни англатади. Буни удалаш учун таржимон қуйидаги вазифаларни амалга ошириши лозим ҳисобланади:

- таржимон аслият матн муаллифининг сўз ўйинини тушуниши керак;  
- муаллифнинг услуги аслият матннинг бадиий сифатини сақлаб қолиш учун таржимон томонидан моҳирона олиб ўтилиши керак;

- таржима қилинидиган матн наср бўладими ёки шеъриятми, унинг бадиий жиҳати ритмда, бўғинлар сонида, фразеологик бирликларнинг табиий мутаносиблигида эканлигини таржимон англаши тушуниши ва кейин уни ўз таржима матнида тўртлик шаклда ифодалашини ҳамда аслият матнида намоён бўлган оҳангни таржима матнида қайта яратиши керак бўлади.

Шеърият таржимасининг моҳиятини ёритишдан олдин шеъриятнинг ўзи нима эканлигига эътибор қаратишимиз мақсадга мувофиқ. Чунки аслият матни шеъриятидаги ритм, қофия, оҳанг, матннинг фонетик, синтактик, лексик-семантик хусусиятларини англамасдан олдин таржима матнида аслиятга тенг қийматдаги шеърий таржимани яратиш мумкин эмас.

“Шеър” ёки “шеърият” сўзини этимологик жиҳатдан таҳлил қилганимизда, ушбу тушунчалар грекча “poieses”, яъни “яратмоқ” сўзидан келиб чиққанлигига гувоҳ бўламиз [3]. Шундай экан, шеърият яратиш ёки яшаш жараёни ҳисобланади. Бадиий асарнинг бу шаклида эса тилнинг эстетик ва ритмик қийматидан фойдаланилади. Шеърият ёзма нутқнинг кенг ахборотли насрий шакллардан ажратиб турувчи шакл, мисра шакли, қофия, сўзларни такрорлаш каби шеърий элементлардан фойдаланган ҳолда яратилади.

Шеъриятда кўп қиррали талқинлар яратилади ва мусикавий таъсирга эришилади. Чунки унда ассонанс, аллитерация, ономотопия, пичинг, символизм, киноя ва бошқа стилистик воситалар қўлланади. Буларнинг барчаси амалий белгилар бўлиб, бундай белгилар шеърда ишлатилади. Бу белгилар адабиётнинг бошқа жанрлари учун талаб қилинмайди, таржимон бу каби барча шеърий сифатларни ёдда тутиши ва жонли таржима қилиши керак. Шеърият адабиётнинг бошқа шаклларида фарқ қилувчи бирликдир.

Шу ўринда дунё тилшунослари ва таржимашуносларининг шеърий асарларни таржима қилишда адекват таржимага эришиш мумкин ёки мумкин эмаслиги борасида турли фикрлари мавжудлигини эътироф этиш лозим. Бу борада икки хил ёндашувни кузатишимиз мумкин.

Ж.Метьюнинг фикрича, “...таржима қилинган шеърни қайта текшириш қуйидагича бўлиши керак: шеър гапиряптими? Шеър куйлаяптими?”<sup>1</sup>.

Шеъриятни таржима қилиш мумкин деган ғояни илгари сурувчи фикрлар ҳам мажуд бўлиб, қуйида улардан айримларини ҳавола этамиз.

Драйден шеърият таржима қилинади, аммо таржимон бир вақтда шоир ҳам бўлиши керак, деган фикрни таъкидлайди. В.Бенжамин таржимада йўқотишларнинг бўлиши оддий ҳолат, аксинча, матнни яратилиши билан эришиладиган жиҳат борки, бу шунчаки асл нусханинг бир кўриниши бўлмайди, балки аслият тилига тенг келадиган сифатга эга бўлади [4].

Шеъриятнинг таржима қилиниши олимлар орасида муҳим масала сифатида қаралиб келинган. Баъзилар шеъриятни таржима жараёнида йўқ бўлиб кетиши муқаррар деб ҳисобласа, бошқалар эса ҳар бир асар, хусусан шеърият ҳам таржима қилинади, деган фикрни олға сурадилар. Реал воқеликда эса ўтмишда шеърият таржима қилинган ва бу жараён келажакда ҳам давом этади. Биз ҳам юқорида таъкидлаб ўтилган фикрларга қўшилиб, шеъриятни унинг ўзига хусусиятларини эътиборга олган ҳолда таржима қилиш мумкин, деган фикрни илгари сураамиз.

**ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES**

1. Йўлдошев У. Насрий таржиманинг ўзига хос муаммолари. \\Хорижий филология. №3, 2020. –103 б.
2. Mann, Thomas. Letters to a Translator. - “Oxford:” Delos 4. 1970. – P.43.нгв
3. Burnshaw, S., Fitts, D. & Peyre, H. *The Poem Itself*. - Arkansas: University of Arkansas Press. 1995–P.56.
4. Mathews, J. Third Thoughts on Translating Poetry. In: Brower, R.A. (ed.) *On Translation*. -New York: Oxford University Press.– 1966. – P.68.

ISSN: 2181-4058  
DOI Journal 10.56017/2181-4058

# ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 7-СОН

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ  
ТОМ-I, НОМЕР-7

JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS  
VOLUME-I, ISSUE-7

«Тадқиқот ва инновациялар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054912-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)